

2022

Йиллик ҳисобот

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ**

◆ Кириш	2
◆ I. Ўзбекистон Республикасида крипто-активлар муомаласининг норматив-ҳуқуқий базаси ва институционал тизимини такомиллаштириш	4
◆ II. Крипто-активларнинг яширин муомаласини қисқартириш ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ҳалқаро стандартлар талабларига риоя этилишини таъминлаш чора тadbирлари	11
◆ III. Халқаро ҳамкорлик	15
◆ IV. Коррупцияга қарши курашиш, Агентлик ходимларининг малакасини ошириш ва фаолиятнинг шаффофлигини таъминлаш	21

Глобал геосийосий ва иқтисодий муаммолар, технологиялар ва рақамлаштириш жадал ривожланаётган бугунги шароитда ҳар қандай давлат органи учун вужудга келаётган турли таҳдидларга тез ва ўз вақтида жавоб бериш, унинг олдида турган мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун билим ва ресурсларни сафарбар этиш қобилияти алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Инновациялар ва илғор технологияларни жорий этиш орқали, ходимлар сонини кўпайтирмаган ҳолда юклатилган вазифаларини самарали амалга ошириш муҳим жиҳатлардан биридир.

Бу борада Президентимиз, муҳтарам Шавкат Миромонович Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2023 йилга мўлжалланган устувор вазифалардан бири сифатида ихчам ва самарали давлат бошқаруви тизимига ўтишни белгилаб берганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўтган йил Агентлик тарихида янги босқич бўлди.

Хабарингиз бор, 2022 йил апрель оyi охирида давлатимиз раҳбарининг фармони билан Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги сифатида қайта ташкил қилинди.

Ушбу ўзгариш жараёни Агентликнинг вазифа ва функцияларини мақбуллаштириш, бошқа давлат органлари фаолияти билан такрорланиш ва параллеллик элементларини бартараф этиш, энг муҳими, истиқболли йўналишлардан бири сифатида крипто-активлар муомаласини келажакда иқтисодиётнинг янги тармоғига айланиши кўзда тутилган соҳа сифатида ривожлантиришга эътибор қаратиш имконини берди.

2022 йил Ўзбекистон Республикасида крипто-активлар соҳаси учун муваффақиятли йил бўлганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланган ва Агентлик томонидан амалга оширилган ташаббуслар натижасида миллий крипто-бозорнинг институционал тузилмаси яратилди ва кенгайтирилди, крипто-активлар муомаласи соҳасида хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш ва майнингни рўйхатга олишнинг янгиланган тизими амалиётга жорий этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон крипто-компаниялар фаолиятини амалга ошириш учун норматив-ҳуқуқий базасини шакллантирган, ягона тартибга солувчи органи мавжуд, банк хизматлари, солиқ имтиёзлари ва қатор преференциялар тақдим этган ноёб макондир.

Шу билан бирга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартлар (FATF тавсиялари) талабларига юқори даражада риоя этилишини таъминлаш, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган механизмларни жорий

этиш ва крипто-активлардан ноқонуний мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш бизучун **алоҳида устувор вазифа** бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, крипто-активлар айланмаси билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олиш ва минималлаштириш, фуқароларнинг турли фирибгарлик схемаларига, жумладан, “молиявий пирамидаларга” жалб этилишига йўл қўймаслик, ноқонуний крипто-активларни сотиш бўйича хизматларни олдини олиш ва ноқонуний даромад келтирувчи платформалар фаолиятига қарши қарашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган Агентликнинг 2022 йилда амалга оширган фаолияти тўғрисидаги ҳисобот кўплаб фуқаролар ва тадбиркорлар учун қизиқиш уйғотади деб ўйлаймиз, ҳамда крипто-активлар айланмасини ривожлантириш ва эришилган натижалар бўйича қўрилаётган асосий чора-тадбирлар билан танишиш имконини беради деб ҳисоблаймиз.

2023 йилда Агентлик жамоаси крипто-активлар муомаласи соҳасида қулай тадбиркорлик шароитлари ва инвестиция муҳитини яратиш учун барча саъй-ҳаракатларни давом эттиради.



Д. Р. Ли

*Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий
агентлиги директори*

I. Ўзбекистон Республикасида крипто-активлар муомаласининг норматив-ҳуқуқий базаси ва институционал тизимини такомиллаштириш

2022-йилда Агентлик крипто-активлар муомаласи бўйича норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва ривожлантириш бўйича изчил ишларни давом этди.

Ушбу фаолият жараёнида илғор хорижий тажрибаларни ўрганишга, крипто-активлар глобал бозорининг ривожланиш тенденцияларини чуқур таҳлил қилишга, шунингдек, тарқатилган маълумотларнинг тақсимланган реестри технологияларининг (блокчейн технологияси) ишлаш механизмларини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2022 йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида крипто-активлар муомаласини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда бир қатор бошқа тадбирларни амалга оширишни назарда тутадиган “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда “Йўл харитаси” деб юритилади) тасдиқланди.





Мазкур “Йўл харитаси” доирасида ишлаб чиқилган ҳамда давлат раҳбари томонидан маъқулланган таклифлар **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги ПФ-121-сон Фармони**да (кейинги ўринларда – Фармон) ўз ифодасини топиб, мамлакат крипто-активлар соҳаси ривожланишининг янги босқичини шакллантиришга асос солди.

Хусусан, мазкур Фармонга мувофиқ:

1) Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги **Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги** (кейинги ўринларда – Агентлик) этиб қайта ташкил этилиб, **крипто-активлар муомаласи соҳасини ривожлантириш ҳамда ушбу соҳада фаолиятни лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари бўйича ваколатли орган** сифатида белгиланди.

Агентлик тузулмасида юридик шахс ташкил этилмаган ҳолда Крипто-активлар муомаласи соҳасида инновацион технологияларни ўрганиш ва синовдан ўтказиш бўйича махсус лаборатория ташкил этилди.

Шу билан бирга, Агентликнинг вазифа ва функциялари белгилаб олиниб, улар жумласига крипто-активлар муомаласи соҳасида инвесторлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш киритилди;

2) Агентликка крипто-активлар муомаласи соҳасида технологияларни жорий этувчи юридик шахслар учун махсус ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишни назарда тутувчи **Крипто-активлар муомаласи соҳасида тартибга солиш махсус режимини (“Тартибга солиш қумдони” махсус режими)** белгилаш ваколати берилган.

Махсус режим иштирокчиларига қуйидаги имтиёзлар белгиланган:



Махсус режим иштирокчилари барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни, шунингдек белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технологик ҳужжатлар, дастурий таъминот воситалари учун **божхона тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилган;**

махсус режим иштирокчилари билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича ходимлар томонидан олинган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар **7,5 фоиз миқдордаги қатъий белгиланган ставка бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилади ҳамда солиқ солиш мақсадида белгиланадиган жисмоний шахсларнинг умумий йиллик даромадлари ҳажмига киритилмайди;**

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар муомаласи соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон Фармонида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни **тартибга солишдаги ёндашувни тубдан ўзгартирди,** хусусан:

а) крипто-активлар муомаласи соҳасидаги икки турдаги фаолият белгиланган: майнинг ва крипто-активлар муомаласи соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолияти (кейинги ўринларда - хизматлар провайдерлар);


б) майнинг фаолияти Агентликда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган фаолият бўлиб, лицензияланадиган фаолият тури эмас;

хизматлар провайдерлари лицензияланиши лозим;

в) хизматлар провайдерларининг фаолият турлари этиб **крипто-биржа, крипто-дўкон, крипто-депозитарий ва майнинг-пул** белгиланди;

г) майнинг учун қуйидаги шартлар белгиланади:

- ◆ майнинг **фақат юридик шахс** томонидан **қуёш фотоэлектр станциясида ишлаб чиқарилган электр энергиясидан** фойдаланган ҳолда амалга оширилади;
- ◆ ягона электр энергетика тизимига уланган ҳолда электр энергиядан фойдаланилганда:
- ◆ истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловлар белгиланган тарифга нисбатан 2 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқтўланади;



- ◆ тифиз даврда истеъмол қилинган электр энергия учун тегишли тарифларга **Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган устамалар** қўлланилади;
- ◆ истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳисоби алоҳида ҳисоблагич ўрнатилган ҳолда юритилади;
- ◆ майнинг қилувчилар ёнғин хавфсизлиги, санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда фақат рўйхатга олиш пайтида кўрсатилган манзил бўйича рўйхатдан ўтишлари ва фаолиятини амалга оширишлари шарт;

д) хизматлар провайдерлари учун лицензия талаблари ва шартлари оптималлаштирилди, шу билан бирга **крипто-биржалар учун қўшимча лицензиялаш талаблари ва шартлари** белгиланди:

- ◆ крипто-активларни котировкалаш уларга бўлган талаб ва таклиф асосида амалга оширилади;
- ◆ ариза берилган санада пул маблағи шаклида базавий ҳисоблаш миқдорининг камида беш минг баравари миқдорида шакллантирилган устав жамғармаси мавжудлиги, шундан уч минг баравари Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкида алоҳида ҳисобварақда захирага қўйилади;



е) фуқаролар ва инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, инсофсиз субъектларнинг миллий бозорга кириб келишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги қоидалар белгиланди:

◆ **2023 йил 1 январдан** бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари крипто-активларни сотиб олиш, сотиш ва (ёки) айирбошлаш бўйича операцияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат миллий хизматлар провайдерлари орқали амалга оширишлари мумкин;

◆ хизматлар провайдерларининг устав фонди фақат унинг таъсисчиларининг маблағлари ва бошқа мол-мулклари ҳисобидан шакллантирилади. Кредит ёки гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб қилинган маблағлардан хизматлар кўрсатувчи провайдерларнинг устав фондини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди;

◆ **қуйидагиларга таъқиқлар қўйилган:**

» террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролларини тарқатишда иштирок этган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган, шунингдек иқтисодий жиноятлар, жиноий фаолият, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишдан олинган даромадларни легаллаштириш, шунингдек уларни молиялаштириш, уюшган жиноятчилик, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши, коррупция ва ахборот технологиялари ва шу билан боғлиқ жиноятлар содир этганлиги учун судланганлиги ечилмаган ёки ўталмаган шахсларнинг хизматлар провайдери ташкилотларини бошқариши ва уларнинг устав фондида иштирок этиши;

» оффшор зоналарда рўйхатдан ўтган компанияларнинг хизматлар провайдерининг устав фондида иштирок этиш;

» Ўзбекистон Республикаси ҳудудида крипто-активлардан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш ёки тўловни қабул қилиш;

» яширин майнингни амалга ошириш (махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда учинчи шахсларнинг ҳисоблаш кучида майнингни амалга ошириш бўйича фаолият) ва аноним крипто-активларни (анонимлик принципи бўйича ишлайдиган крипто-активларни) майнинг қилиш;



ж) крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширганлик учун хизматлар провайдерлари ва майнерлар томонидан қатъий белгиланган тўловларни тўлаш тизими жорий этилди. Белгиланган вазифаларга мувофиқ, Агентлик томонидан қисқа муддатларда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қуйидаги **идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши таъминланди:

- ◆ **Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун йиғимлар миқдорини белгилаш, уларни тўлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги Низом** (рўйхат рақами 3380, 15.08.2022 й.);
- ◆ **Крипто-биржада крипто-активлар савдоларини амалга ошириш қоидалари** (рўйхат рақами 3370, 15.08.2022 й.);
- ◆ **Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун йиғимлар миқдорини белгилаш, уларни тўлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги Низом** (рўйхат рақами 3388, 28.09.2022 й.);
- ◆ **Крипто-дўкон фаолиятини амалга ошириш қоидалари** (рўйхат рақами 3395, 31.10.2022 й.);
- ◆ **Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан крипто-активларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш тартиби тўғрисидаги Низом** (рўйхат рақами 3397, 28.11.2022 й.);
- ◆ **Крипто-активлар муомаласи соҳасида тартибга солиш махсус режимида («Тартибга солиш қумдони» махсус режими) иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом** (рўйхат рақами 3409, 30.12.2022 й.).

Амалга оширилган ташаббуслар натижаларига кўра, янги турдаги хизматлар провайдерларини жорий этиш ҳисобига крипто-активлар миллий бозори институционал равишда кенгайтирилди. Жумладан, МДХ ва Марказий Осиёдаги биринчи қонуний **крипто-дўконлар фаолияти учун 4 та лицензия берилди.**



Кўрилган чора-тадбирлар натижасида миллий крипто-бозор иштирокчилари доираси кенгайтирилиб, ҳозирда **1 та крипто-биржа («Uznex»)** ва МДХ ва Марказий Осиёда биринчи бўлиб легал равишда фаолият юритаётган **4 та крипто-дўкон** билан ифодаланмоқда.

Хизматлар провайдерлари фаолиятини ташкил этиш ҳисобига **40 га** яқин янги иш ўрни яратилди.

2022 йилда хизматлар провайдерлари томонидан давлат божи ва йиғимлари кўринишда **давлат бюджетига 3,8 млрд. сўм** миқдорида қўшимча тўловлар тўланиши таъминланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КРИПТО-АКТИВЛАР БОЗОРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ РИВОЖЛАНИШИ



Шу билан бирга, Агентлик ташаббуси билан 2022 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан крипто-активлар билан операциялар бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби бўйича изоҳ ва тушунтириш берилди.

Айни пайтда Агентлик томонидан крипто-активлар муомаласининг норматив-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, крипто-активларнинг барча афзалликларидан мамлакат иқтисодиётида фойдаланиш мақсадида ҳуқуқий тартибга солишнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда Ўзбекистон крипто-активлар муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари бўйича МДХ давлатлари орасида **етақчи ўринни** эгаллаб турибди, ушбу соҳага фаол қизиқиш билдираётган **хорижий инвесторлар учун тушунарли бўлган ҳуқуқий базага эга.**

II. Кристо-активлар муомаласининг яширин айланмасини камайтириш чораларини кўриш, жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризмни ҳамда оммавий қирғин воситаларини тарқатилишини молиялаштиришни олдини олиш бўйича талабларга риоя қилинишини таъминлаш

Кристо-активлардан ноқонуний мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш ва уларнинг ноқонуний айланмасини камайтириш масалалари Агентликнинг алоҳида эътиборида бўлиб, юқоридагиларни олдини олиш мақсадида қуйидаги йўналишларда тизимли равишда иш олиб борилмоқда:

- ◆ кристо-активлар муомаласи соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи шахслар томонидан жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш ва FATF тавсияларини тўлиқ жорий қилиш;
- ◆ кристо-активларнинг ноқонуний муомаласини ташкил этиш бўйича Интернет тармоғи ва мессенжерлардаги ресурсларни мунтазам мониторинг қилиш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларнинг блокранишини таъминлаш;
- ◆ кристо-активлардан фойдаланган ҳолда “молиявий пирамидалар” ва бошқа ноқонуний фаолият белгиларига эга бўлган шубҳали лойиҳаларни аниқлаш ва ўрганиш, бундай фактлар бўйича маълумотларни қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш;
- ◆ кристо-активларнинг ноқонуний муомаласи фактларини текширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиш, шунингдек, кристо-активлар муомаласи масалалари ва маълумотларнинг тақсимланган реестри технологияларининг ишлаш механизмлари бўйича ходимлар малакасини ошириш;
- ◆ аҳолининг рақамли ва молиявий саводхонлигини ошириш.



2022 йили Агентлик ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига крипто-активлар муомаласи соҳасида хизматлар провайдери сифатида лицензиясиз крипто-активларни сотиш ва сотиб олиш бўйича хизматлар кўрсатган **70** дан ортиқ платформалар аниқланиб, ваколатли органларга топширилди ва уларнинг блокланиши таъминланди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида Агентликка крипто-активлардан ноқонуний мақсадларда фойдаланиш фактларини текшириш бўйича олиб борилаётган терговга қадар текширув ва тергов тадбирларида агентлик мутахассисларини ажратиш ва иштирок этиш тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан **49 та мурожаат** келиб тушган.

2022 йил декабрь ойида Агентлик крипто-активлар муомаласи соҳасида хизматлар кўрсатувчи **197 та** халқаро компанияларга (крипто-биржалар ва бошқа электрон платформалар) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тегишли хизматлар провайдери лицензиясини олмасдан туриб Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хизмат кўрсатишга йўл қўйилмаслиги тўғрисида огоҳлантиришлар юборди. Бир қатор компаниялар ихтиёрий равишда Ўзбекистон фуқароларига хизмат кўрсатишни чеклашга қарор қилди.



Айтиш лозимки, 2021 йилда крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун ФАТФ тавсияларига мувофиқ, крипто-биржалар ва бошқа хизматлар провайдерлари томонидан амалга оширилувчи **“мижозингни бил” (KYC)** тартибга соладиган **ички назорат қоидалари** қабул қилинган эди.

ФАТФнинг тавсиялари талабларини ҳисобга олган ҳолда, **Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига** (рўйхат рақами 3309-сон, 09.06.2021 й.) қуйидагиларга қўйиладиган талабларни кучайтириш бўйича қўшимчалар киритилди:

- ◆ ички назоратни амалга ошириш учун масъул шахс лавозимларига тайинланган шахсларга;
- ◆ крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахснинг таъсисчиларига.

2022 йил август ойида Агентлик ходимлари учун **“FATF (FATF – жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида жаҳон стандартларини ишлаб чиқадиган ҳукуматлараро ташкилот) тавсиялари, айниқса 15-Тавсия юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар”** мавзусида тренинг ташкил этилди.

Бундан ташқари, бевосита Агентлик томонидан хизматлар провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича миллий қонунчиликка риоя этиш, ФАТФ тавсиялари талабларини тушунтириш бўйича мунтазам тренинглар ташкил этиб келинмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳига** аъзо мамлакатларни ўзаро баҳолашнинг иккинчи босқичида Ўзбекистон Республикаси крипто-активларни тартибга солиш соҳасида (ФАТФнинг 15-тавсияси) ижобий баҳоланди ва **“сезиларли мувофиқлик” рейтингига** эришди (дунёда атиги **12** та давлат шунга ўхшаш рейтингни олган).



Агентлик томонидан 2022 йили Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ходимлари учун крипто-активлар муомаласини ҳуқуқий тартибга солишнинг турли жиҳатларини тушунтириш бўйича **11 та ўқув машғулотлари**, шу жумладан, бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг талаблари бўйича **7 та ўқув машғулотлари** ташкил этилди.

Агентлик томонидан даврий равишда жамоатчиликка фирибгарлик қурбони бўлмаслик бўйича тавсияларни эълон қилиб борилмоқда.

III. Халқаро ҳамкорлик

Агентлик, юкланган вазифаларни бажариш доирасида крипто-активлар муомаласини тартибга солиш бўйича Ўзбекистон Республикаси тажрибасини оммалаштириш, Республиканинг инновацияларга очиқ мамлакат сифатидаги имиджини ошириш ва бу орқали унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида крипто-активлар муомаласини ривожлантириш бўйича кенг қамровли халқаро ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси тажрибаси МДХ мамлакатларидаги ҳамкасблар ва халқаро компанияларда қизғин қизиқиш уйғотмоқда.

Шундай қилиб, Агентлик делегацияси **“Остона” халқаро молия маркази** (кейинги ўринларда ОХММ деб юритилади) бошқаруви раисининг таклифига биноан 2022 йил 27-29 июнь кунлари Нур-Султон (Қозоғистон) шаҳрида бўлиб ўтган **“Astana Finance Days” V-конференциясида** фахрий меҳмонлар сифатида иштирок этди.



Маълумот учун: ОХММ – Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган, молия соҳасида алоҳида ҳуқуқий режим қўлланиладиган Нур-Султон (“Остона”)даги ҳудудни англатади. ОХММнинг асосий стратегик мақсадлари қаторига капитал бозорлари, активларни бошқариш, молиявий технологиялар (ФинТеч), ислом молияси, хусусий банк иши ва яшил молия секторини ривожлантириш киради.

Astana Finance Days (AFD) ҳар йили ОХММ томонидан ўтказиладиган минтақадаги энг йирик молиявий анжуманлардан биридир. 2018-2021 йиллар учун АФД 100 мамлакатдан 15 000 дан ортиқ иштирокчиларни жалб қилди.



Конференция доирасида Агентлик директорининг биринчи ўринбосари В.Пак ва ОХММ маъмурияти АЖ бошқаруви раиси Э.Рисмагамбетов ўртасида учрашув бўлиб ўтди, учрашув давомида Агентлик ва ОХММ ўртасида крипто-активлар муомаласини ривожлантириш, ахборот алмашиш ва янги технологияларни жорий этиш бўйича ўзаро ҳамкорликни назарда тутувчи **ҳамкорлик меморандуми** имзоланди.

ОХММ вакиллари Қозоғистон ишбилармон доираларининг криптобозорига ва Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга қизиқиш билдиришиб, токенизация бўйича ўзаро лойиҳаларини амалга оширишдан, жумладан, пилот лойиҳалар учун институционал инвесторларни излашда қўмаклашишга тайёр эканликларини билдирдилар;

Шу билан бирга, делегация **Қозоғистон Республикаси Рақамли ривожланиш, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазири ўринбосари А.Жамбакин, Қозоғистон Республикаси Миллий банкининг “Тўлов ва молиявий технологияларни ривожлантириш маркази” бошқаруви раиси Б.Жаленов, ОХММ молиявий регулятори бош директори Н.Кушимов, шунингдек, Қозоғистон Республикаси парламенти Қонунчилик палатаси депутати Э.Смишляева** билан учрашувлар ўтказди.

Учрашувлар давомида Ўзбекистон Республикаси тажрибаси тақдим этилиб, криптобозорни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, ҳамкорлик режалари белгилаб олинди.

Хусусан, Н.Кушимов крипто-активлар муомаласи бўйича ФАТФ тавсияларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси билан танишишдан манфаатдорлигини билдирди, чунки мамлакатимиз ЕАГ томонидан ўтказилган ўзаро баҳолаш натижаларига кўра юқори баҳо олган.



Ўзбекистон Республикасининг ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда, Э.Смишляева Қозоғистон Республикасида рақамли активлар айланмасини тартибга солиш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Агентлик мутахассислари билан маслаҳатлашувлардан манфаатдорлигини билдирди.

2022 йил октябрь ойида Агентлик Ишончли блокчейн-дастурлари халқаро ассоциациясининг (**International Association of Trusted Blockchain Applications**) Ҳукумат маслаҳат органига аъзосига айланди.



INATBA 2019 йилда ташкил этилган тан олинган халқаро тузилма бўлиб, унинг мақсади истиқболли рақамли технологияларни фаол ривожлантириш ва жорий этишга қўмаклашишдир.

INATBA ҲМО – ҳукуматлар, тартибга солувчилар ва бошқа халқаро ташкилотлар, жумладан, АҚШ Федерал заҳира тизими, Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги ҳамда Германия Федерал иқтисодиёт ва иқлимни муҳофаза қилиш вазирлиги ўртасидаги кўп томонлама мулоқот учун форумдир. Умуман олганда, ҲМОда етакчи мамлакатларнинг **37** та бўлими мавжуд. Аъзолар ҳамкорликни осонлаштиради ва INATBA директорлар кенгаши ва ижрочи гуруҳининг маслаҳатчиси сифатида фаолият юритади.



Шуни таъкидлаш керакки, INATBA ҲМОга аъзо бўлиш фақат INATBA директорлар кенгашининг таклифига биноан мумкин, ҲМОга ихтиёрий равишда қўшилишнинг бошқа усуллари мавжуд эмас.

Шундай қилиб, Агентликнинг INATBA ҲМОнинг расмий аъзоси мақомини олиши, Ўзбекистон Республикасида давлат раҳбари раҳнамолигида амалга ошириладиган крипто-активлар муомаласи ва блокчейн технологиясини жорий этишни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш борасида олиб бориладиган ислохотларнинг халқаро миқёсда эътироф этилганидан далолат беради.

Агентлик вакиллари INATBAнинг **5** та тадбирида иштирок этиб, улардан бирида Ўзбекистоннинг крипто-активлар муомаласи соҳасини ривожлантириш ва тартибга солиш бўйича тажрибасини тақдим этди.



2022 йили Агентлик томонидан крипто-активлар муомаласи соҳасида фаолият юритувчи **10 дан** ортиқ халқаро компаниялар вакиллари билан учрашувлар ўтказилиб, улар давомида крипто-активлар муомаласи соҳасидаги махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича уларнинг таклиф ва мулоҳазалари муҳокама қилинди.

ХХР элчихонасининг Савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси бошқармаси билан ҳамкорликда, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари ходимларини турли ижтимоий-маиший, иқтисодий ва маданий соҳалар, шунингдек, Хитойнинг ислоҳотлар тажрибасини ўрганиш соҳаларда ўқитишни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

2022 йилда онлайн форматдаги **113 та семинар ва ўқув курсларида** республика вакилларининг иштироки таъминланиб, уларда вазирлик ва идораларнинг **811 нафар ходими** иштирок этди.

Шунингдек, Агентлик ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари учун **“Ўзбекистонлик талабалар учун крипто-активлар ва блокчейн технологиялари” мавзусида малака ошириш курси** ташкил этилди.



Тадбир ХХР Савдо вазирлиги буюртмасига биноан **Гуйчжоу Фанлар академияси (ХХР)** омонидан ташкил этилди. Семинарларда маърузачилар сифатида Хитой Фанлар академиясининг дастурий таъминот институти, Хитой Халқ банки, Катта ҳажмдаги маълумотлар бюроси, Гуйчжоу саноатни ривожлантириш тадқиқот институти ходимлари, шунингдек, бошқа эксперт ва мутахассислари тақдимот ўтказишди.



Семинарлар туркуми доирасида “Блокчейнга кириш”, “Суверен блокчейн билан танишиш”, “Блокчейннинг инновацион қўлланилиши”, “Биткоин ва рақамли юан”, “Криптографияга кириш ва активларни шифрлаш”, “Рақамли қишлоқни барпо этиш” ва “Рақамли валютадан фойдаланиш”, “Хитойнинг рақамли иқтисодиётини ривожлантиришга киришиш” ва бошқалар кўриб чиқилди.

IV. Коррупцияга қарши курашиш, Агентлик ходимларининг малакасини ошириш ва фаолиятнинг шаффофлигини таъминлаш

4.1. Агентлик ходимлари малакасини ошириш

Агентликда ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022 йилда Агентлик ходимлари учун бир қатор семинарлар ва ўқув тадбирлари ўтказилди.

2022 йил сентябрь ойида Агентлик ходимлари учун **Давлат хизматчиларининг Одоб-ахлоқ этикаси масалалари бўйича семинар** ўтказилиб, унда маърузачи сифатида Ўзбекистон Республикаси **Давлат бошқаруви академияси Юридик фанлар кафедраси мудири, профессор Хаитов Хушвак Сапарбаевич** иштирок этди.



Семинарда Ўзбекистон Республикасининг давлат фуқаролик хизмати соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат фуқаролик хизматини жорий этиш бўйича хорижий тажриба, Ўзбекистонда давлат хизматини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар, давлат хизматчиларининг умумий ва касбий одоб-ахлоқ қоидалари, давлат хизматига қараётган фуқароларни қабул қилиш тартиби, давлат хизматчиларининг хулқ-атвори, одоб-ахлоқ қоидаларига қўйиладиган асосий талаблар ҳақида сўз юритилди.



2022 йил октябрь ойида Агентлик ходимлари учун **“Крипто-активларнинг халқаро муомаласини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари”, “Маълумотларнинг тақсимланган реестри технологиясидан (блокчейн) фойдаланишнинг йўналишлари ва афзалликлари”, “Ахборот технологиялари ва ускуналарини ҳимоялаш усуллари”** мавзуларида **тренинглар** ўтказилди.

Тренинглар доирасида ходимларга крипто-активларнинг асосий технологик компонентлари, тақсимланган маълумотлар реестри технологияси ҳақида умумий маълумотлар – блокчейн тушунчаси билан танишиш, блокчейннинг турлари ва хусусиятлари, блокчейн соҳасида маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш йўллари, блокчейн орқали оширилган транзакцияларни мониторинг қилиш усуллари ва ҳоказолар тушунтирилди.

Бундан ташқари, ходимлар крипто-активлар муомаласи соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, майнинг фаолиятини ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар ва крипто-активлар айланмаси соҳасида хизматлар провайдерлари билан ҳам таништирилди. 2022 йил ноябрь ойида Агентлик ходимлари учун “Хорижий давлатлар мисолида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш тажрибасини ўрганиш”, “Ўзбекистонда энергия ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш истиқболлари” ҳамда “Замонавий воситалар ва йўналишлар” мавзуларида ўқув тадбирлари ташкил этилди. Агентлик ходимлари учун ташкил этилган ўқув тадбирларида тартибга солувчи тартибга солувчи қумдоннинг мақсад ва вазифалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида янги инновацион технологияларни жорий этиш тажрибаси ва мавжуд рискларни таҳлил қилиш, шунингдек, майнингнинг замонавий технологиялари, замонавий майнинг технологиялари воситалари ва жиҳозлари, крипто-активлар муомаласи соҳасида инновацион технологияларни ўрганиш ва апробация қилишга ихтисослашган махсус лабораториянинг мақсади ва вазифалари тушунтириб ўтилди.

Ўқиш истагини билдирган Агентлик ходимлари учун Chemical Academy ўқув марказида икки ойлик (ноябрь-декабрь) **инглиз тили курслари** ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сон қарори ижросини таъминлаш доирасида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилини ўқитиш ва малакасини ошириш марказида Агентлик ходимларини ўзбек тилига ўқитиш ташкил этилди.



Мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллигини нишонлаш доирасида Агентликнинг бир қатор ходимлари мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, инвестицияларни жалб этишда янги инновацион ёндашувларни жорий этиш бўйича фидоийлиги учун **“Ўзбекистон Конституцияси 30 йиллиги”** эсдалик нишонлари билан тақдирлангани қувонарлидир.

4.2. Ёшлар сиёсати

Ёшлар билан ишлаш, жумладан, криптоактивлар муомаласини ривожлантириш борасидаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, бу борадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини тушунтириш, шунингдек, кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида иқтидорли ёшларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги ишлар доирасида Агентлик раҳбариятининг олий таълим муассасалари талабалари билан мунтазам учрашувлари ўтказилмоқда.



2022 йил 1 ноябрь куни Агентлик раҳбарияти ва Сингапур менежментни ривожлантириш институти Тошкент шаҳридаги талабалари ўртасида Ўзбекистон Республикасида крипто-активларнинг муомаласи соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Учрашув талабаларга Ўзбекистонда крипто-активлар муомаласи соҳасини ривожлантириш борасида

амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида ташкил этилди. Хусусан, Агентлик раҳбарияти томонидан республикада мазкур соҳани тартибга солувчи қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, мамлакатимизга сармояларни жалб этишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида атрофлича тушунтиришлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳнамолигида 2022 йил 4 августда бўлиб ўтган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишининг 61-сонли баённомасида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Агентлик тузилмасида ёш ва истиқболли мутахассисларни танлаш ва стажировка ўташ Дастури Агентлик буйруғи билан тасдиқланди ҳамда Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинди.



4.3. Коррупцияга қарши курашиш, Агентлик ходимлари малакасини ошириш ва фаолият шаффофлигини таъминлаш

Агентлик томонидан коррупция, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хавфларни минималлаштириш ва Агентлик ходимлари томонидан коррупциянинг ҳар қандай кўринишларининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига, қоғозбозлик ва бюрократия ҳолатларига, ижро интизомини бузиш ҳолатларига муросасизлик муҳити яратилган.



Жорий йилнинг ўтган даврида Агентлик ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, Агентликда коррупция ҳолатларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, шунингдек, фаолиятнинг очиқлигини таъминлаш, ички назоратни, жумладан, ижро ва хизмат органлари фаолиятини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Ходимларнинг интизому.

Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг хавфларни баҳолаш ва тавсиялари асосида халқаро стандартларга мувофиқ коррупцияга қарши кураш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилган такомиллаштирилган ички ҳужжатлар мажмуи тасдиқланди, жумладан:

- ◆ **Коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсат;**
- ◆ **Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услугиёти;**
- ◆ **Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом;**
- ◆ **Алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти;**

- ◆ *Ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома;*
- ◆ *Контрагентларни текширишга оид йўриқнома;*
- ◆ *Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома*
- ◆ *Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услугиёти;*
- ◆ *Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом;*
- ◆ *Ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент;*

Шунингдек, ижро ва меҳнат интизоми устидан назоратни кучайтириш мақсадида Агентлик ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари, Одоб-ахлоқ комиссиясининг таркиби, Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича малакасини ошириш мақсадида 2022 йил 14 октябрь куни Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими иштирокида “Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар, коррупция учун жавобгарлик, “E-Anticor.uz” электрон платформаси мавзусида ўқув семинари ўтказилди.

Бундан ташқари, Агентликнинг коррупцияга қарши курашиш бўлими ходими Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан халқаро ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган қатор тадбирларда иштирок этди, жумладан:

- ◆ 2022 йил 23 сентябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “II-Тошкент коррупцияга қарши форуми”;
- ◆ 2022 йил 28 ноябрда онлайн тарзда ўтказилган “Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ички назорат органлари ходимлари учун ўқув семинари”;
- ◆ 2022 йил декабрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Давлат ташкилотлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашнинг самарали тизимини яратиш ва жорий этиш” бўйича тренинг.




Шунингдек, 2022 йил 9 декабрь куни Халқаро коррупцияга қарши кураш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Антикоррупцион назорат бўлими томонидан фуқаролар ва юридик шахслар вакилларининг мурожаатлари ҳисобга олинади ва таҳлил қилинади, харидлар тартиб-таомиллари таҳлил қилинади, Агентлик ходимлари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган коррупция ҳолатлари тўғрисидаги нашрларни аниқлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларида доимий мониторинг олиб борилади.

2022 йилда Агентликнинг янгиланган веб-сайти ишга туширилиб, унинг интерфейси такомиллаштирилиб, маълумотлар тўлиқ тақдим этиб борилмоқда.

Агентлик томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, республикага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, криптоактивлар айланмаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва илғор хорижий тажриба асосида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тизимли ишлар давом эттирилмоқда.

Электронный реестр лицензий по видам провайдеров услуг в сфере оборота крипто-активов.

№	Наименование лицензируемой деятельности	Лицензиат	Срок действия	Сфера деятельности	Статус
1	Лицензия на осуществление деятельности по предоставлению услуг по переводу криптовалюты	ООО «Сбербанк России»	01.01.2023 - 31.12.2023	Сфера деятельности: перевод криптовалюты	Активна
2	Лицензия на осуществление деятельности по предоставлению услуг по переводу криптовалюты	ООО «Сбербанк России»	01.01.2023 - 31.12.2023	Сфера деятельности: перевод криптовалюты	Активна
3	Лицензия на осуществление деятельности по предоставлению услуг по переводу криптовалюты	ООО «Сбербанк России»	01.01.2023 - 31.12.2023	Сфера деятельности: перевод криптовалюты	Активна



2022

Йиллик ҳисобот
